



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9513

Doi Journal 10.26739/2181-9513

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

4 ЖИЛД, 6 СОН

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И  
ПСИХОЛОГИИ  
ТОМ 4, НОМЕР 6

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND  
PSYCHOLOGY  
VOLUME 4, ISSUE 6



TOSHKENT-2021

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2021-6>

Бош мухаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

Аскаров Аброр Давлатмирзаевич  
педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори

Педагогика йўналиши

Бош мухаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна  
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши

Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology

Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии

Муслимов Нарзулла Алиханович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Джораев Мухамматрасул  
педагогика фанлари доктори, профессор

Тўракулов Олим Холбўтаевич  
педагогика фанлари доктори

Уразова Марина Батировна  
педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили  
педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили  
педагогика фанлари доктори

Нурманов Абдиназар Ташбаевич  
педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович  
педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам  
педагогика фанлари номзоди, профессор

Джумаев Маманазар Иргашевич  
педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасолович  
педагогика фанлари доктори

Асилова Гулшан Асадовна  
Педагогика фанлари доктори, доцент

Саипова Малоҳат Латиповна  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Хажиева Ирода Адамбаевна  
филология фанлари номзоди, доцент

АЗимова Насиба Эргашовна  
педагогика фанлари номзоди, доценти

Ахмедова Зебинисо Азизовна  
фалсафа фанлари номзоди

Page Maker\Верстка\Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## **МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT**

<b>1. Mavlonova Gulchehra</b> SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING AXLOQIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH.....	4
<b>2. Тангиров Хуррам, Жомуродов Дўстмурод, Муродқосимова Шодия</b> АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚИТИШНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	10
<b>3. Туракулова Ирода</b> СОЦИАЛЬНАЯ УСТАНОВКА КАК РЕГУЛЯТОР ПОВЕДЕНИЯ ЛИЧНОСТИ.....	19
<b>4. Jo'raev A.</b> JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARI FAOLIYATINING AMALIY – PEDAGOGIK ASOSLARI.....	23
<b>5. Nazarova L.</b> USING TELEGRAM MESSENGER IN TEACHING ENGLISH IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS.....	29
<b>6. Абдукадирова Л.</b> АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОЙ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕМЕЙНЫХ С.ТУДЕНТОК В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА.....	38
<b>7. Сарсенбаева Р.</b> ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ.....	46
<b>8. Хужаниёзова Г.С.</b> БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ МАТЕМАТИК ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	57
<b>9. Kosimova Z.</b> XALQ TA'LIMI TIZIMIDA O'ZGARISHLARNI BOSHQARISHDA HORIJUY OLIMLARNING YONDOSHUVLARI.....	63
<b>10. Raxmankulova B.O., Saparova D.P.</b> O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIK VA ONALARNING O'RNI.....	72
<b>11. Абдуллаев С.Х., Турсунова Ш. Б.</b> БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ ҚОБИЛЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	79
<b>12. Холмирзаева З.</b> "КИМЁ ТАРИХИ" КУРСИ МАШГУЛОТЛАРИДА ИЛМИЙ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ.....	84
<b>13. Акбарова М.Т.</b> БЎЛАЖАК ГЕОЛОГЛАРГА ЗАМИН ҲАҚИДА КИМЁВИЙ БИЛИМЛАР БЕРИШ ЗАРУРАТИ.....	90
<b>14. Норбошева М.А.</b> МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ОИЛА ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНИ ЎРГАНИШ.....	94
<b>15. Xayitova F. A.</b> MAKTABDA O'QUVCHILARNING O'QISH MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI USULLARI.....	101
<b>16. Қаландарова С.Т., Собирова Н.К.</b> НОФИЛОЛОГИК МУТАХАССИСИСЛИК ТАЛАБАЛАРИНИ ЧЕТ ТИЛИДА КАСБИЙ ИШБИЛАРМОНЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ....	106

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

**Абдуллаев С.Х.**

Наманган вилояти халқ таълими  
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш ҳудудий маркази доценти

**Турсунова Шахзода Бахромовна**

Наманган давлат университети докторанти  
shaxzoda85@inbox.uz

## БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ ҚОБИЛЯТИНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ

**For citation:** S.H.Abdullayev., Sh.B.Tursunova. Characteristic of the teacher of future technological education. Vol. 4, Issue 6, 2021, pp. 79-83



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2021-6-11>

### АННОТАЦИЯ

Ўқитувчи меҳнати – бу бебаҳо изланиш, ижобий кечинмалар, қувонч, ўз фаолиятидан ҳосил қилишдир. Педагогик фаолияти инсон меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир. Технологик таълим фани ўқитувчиларининг педагогик фаолиятида қобилятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказишда педагогларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бўлажак технологик таълим фани ўқитувчиларини таълим бериш жараёнидаги қобиляти, ижобий натижаларга эришишда ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлиши хақида фикрлар юритилган.

**Таянч сўзлар:** Қобилят, мақсад, обьект, субъект, коммуникатив мулоқот, мотивация, дидактик, академик, перцептив, ташкилотчилик, эмоционал

**Абдуллаев С.Х.**

Доцент Наманганского областного  
центра переподготовки и повышения  
квалификации народного образования.

**Турсунова Шахзода Бахромовна**

Докторант Наманганского  
государственного университета  
shaxzoda85@inbox.uz

## ОСОБЕННОСТИ СПОСОБНОСТЕЙ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРЕДМЕТА

## АННОТАЦИЯ

Работа учителя - это бесценные исследования, положительный опыт, радость, порожденная собственной деятельностью. Педагогическая деятельность - одно из сложнейших направлений человеческого труда. Результат таланта в педагогической деятельности учителей технологического образования соотносится с интересами общества. Повышение уровня профессиональной подготовки учителей имеет решающее значение для доведения качества образования до уровня международных стандартов.

**Ключевые слова:** Способность, цель, объект, субъект, коммуникативное общение, мотивация, дидактический, академический, перцептивный, организационный, эмоциональный.

**Abdullayev.S.H.**

Namangan regional center  
for retraining and advanced training  
of public educators associate professor  
**Tursunova Shahzoda Bakhromovna**

Namangan State University doctoral student  
shaxzoda85@inbox.uz

## CHARACTERISTIC OF THE TEACHER OF FUTURE TECHNOLOGICAL EDUCATION

### ANNOTATION

The work of a teacher is a priceless research, positive experiences, joy, generated from their own activities. Pedagogical activity is one of the most complex areas of human labor. The result of talent in the pedagogical activity of teachers of technological education is related to the interests of society. Improving teacher training is critical to bringing the quality of education up to international standards. **Keywords:** Ability, purpose, object, subject, communicative communication, motivation, didactic, academic, perceptive, organizational, emotional

Педагогик фаолият – педагогнинг таҳсил олувчиларга таълим ва тарбия бериш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган ҳамда педагогик таъсир ўтказиш воситалари билан амалга ошириладиган касбий фаоллигидир. Ўқитувчи бу мазкур фаолиятнинг бир неча турларини бажаради: ўқитади, тарбиялайди, йўл-йўриқлар кўрсатади, ташкил қиласди, тарғибот юргизади, мустақил билим олиш билан шуғулланади. Буларнинг хаммаси бевосита ўқитиш ва тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилади. Педагогик фаолият мобайнида мотивациян – мўлжалли босқич, вазиятни тушуниш босқичи намоён бўлади: мотивлар туғулади, фаолиятга рухий тайёргарлик вужудга келтирилади, мақсад ва вазифалар қўйилади ва ўзгартирилади, педагогнинг тарбияланувчилар рухий ривожланишига таъсир ўтказиши мувофиқлаштирилади, педагог ўз – ўзини таҳлил қилиш усуллари (диагностика, башорат, назорат) дан фойдаланилади, қўйилган вазифа ҳал этилади, йўл қўйилган педагогик нуқсонлар бартараф этилади.

Инсон фаолиятининг бошқа турлари каби педагогик фаолият ҳам ўз хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи: мақсад, объект, субъект ва воситалардан ташкил топади. Булар:

- биринчидан, педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагог фаолиятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган бўлиши зарур. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий ўзвийлигини (кетма-кетлигини) таъминлайди, бир авлод тажрибасини иккинчи авлодга ўтказади, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллайди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

- иккинчидан, педагог фаолияти доимо шаҳс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Унга эришиш осонликча кечмайди.

Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларини аниқ тасаввур қилиши ва мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга англата олиши зарур.

- учинчидан, педагогик (таълим, тарбия) жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки-педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Бу мақсадни ўқувчидан кўра педагог яққолроқ тасаввур қиласди. Ўқувчи эса қўп холларда, хаётий тажрибаси етишмаслиги сабабли ҳозирги хаёт, шу бугун ташвишлари билан яшайди, келажакни эса тўла тасаввур қила олмайди. Ўқитувчи фаолияти ижодкорона фаолиятдир. Тажрибаси ортиб борган сари педагог дастлабки тақдим қилган ўқув материалларидан кўнгли тўлмайди, янги-янги материалларни дарс жараёнида қўллашга харакат қиласди. Бунинг учун унда ижодийлик ҳиссий шаклланган бўлиши лозим. Ижодийлик ҳисси бўлса, педагог изланади, ўз устида ишлайди. Ўзини ҳиссий томондан тайёрлаш-ўқитувчida ижодийлик ҳиссини келтириб чиқаради.

Энг мухими бўлажак технологик таълим фани ўқитувчи ўзининг дарсдаги ҳиссий муносабатларини аниқлаб олиши лозим. Сўз орқали ўқув материали тақдим қилинаётганда ўқитувчи оҳангга, имо-ишорага, юз ифодасига, бадиийликка эътибор бериши, фикрларнинг мантикий узвийлигига риоя қилиши лозимдир. Бўлажак технологик таълим фани ўқитувчиси

дарсга киришдан олдин ўзига кўрсатма бериши мақсадга мувофиқ. Масалан, ўқитувчи қўйидаги аутотренингдан фойдаланиши мумкун.

- Мен ижодкорман:
- Мен ишонч билан дарс ўта оламан:
- Ўқувчиларда ушбу, мавзу катта қизиқиш уйғотади:
- Дарсга жиддий тайёрланганман:
- Ўқувчилар фаолиятини ошириш менинг зиммамда:
- Ўқувчилар ва менинг кайфиятим яхши:
- Менга ўз касбим ёқади.

Албатта, ушбу кўрсатмалар бўлажак технологик таълим фани ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланганлиги заминида айтилиши мақсадга мувофиқдир.

Бўлажак технологик таълим фани ўқитувчи коммуникатив мулоқотини маҳсулдор бўлиши учун у педагогик таъсир кучининг тизимларини, унинг ҳар бир қисмини билиши зарур. Дарс жараёнида ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ижтимоий-психологик таъсир ҳусусиятлари – коммуникатив, ижодий индивидуаллик асосида ташкил топиши лозим

- . Бунда мулоқот йўналишлари қўйидаги кўринишда бўлади:
  - Ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга қизиқиш асосидаги мулоқот;
  - Дўстона муносабатлар асосидаги мулоқот;
  - Масофадан туриб мулоқотга киришиш;
  - Кўрқитиш (кўрқув) асосидаги мулоқот;
  - Ёлғон обрў-эътибор қозиниш учун ташкил қилинадиган мулоқот.

Биринчи йўналиш асосини педагогнинг юқори касб этикаси ташкил этади. Бу йўналиш ҳақида М.О.Киебель, И.П.Волков, В.Ф.Шаталов, М.Очилов, О.Розиков каби олимлар ўз фикрларини билдирганлар. Уларнинг фикрича, болалар билан бўладиган муносабат ва педагогик ҳиссиётлар мана шу йўналиши асосида шаклланади.

Иккинчи йўналиш – дўстона муносабатлар, ўқув-тарбиявий фаолиятга шаклланади. Дўчтона муносабатлар мулоқотнинг бошқарилишини таъминлайди. Педагог бир томондан болалар учун якин ўртоқ, иккинчи томондан биргаликдаги фаолият қатнашчиси бўлиши лозим.

Учинчи йўналиш, яъни масофадан туриб мулоқотга киришиш мухим аҳамиятга эга. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида маълум бир масофа бўлиши керак. Масофа жуда узоқ бўлмаслиги лозим. Акс холда расмиятчилик кўчайиб, ижодийлик мухити шаклланмайди. Ўқитувчи масофани сақласа обрў-эътибори ортади.

Тўртинчи йўналиш – кўрқитиш асосидаги мулоқот бўлиб, бу услуб мулоқотнинг негатив шаклидир. Баъзи педагоглар ўқувчиларни кўрқитиш орқали мулоқотда бўладилар. Чунки

уларда педагогик маҳорат яхши шаклланмаган бўлади. Бу ўзаро тушунишга тўсқинлик қиласди.

Бешинчи йўналиш – соҳта обрў-эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот бўлиб, баъзи ёш ўқитувчилар малакаси етарли бўлмаганлиги учун ёлғон ишлатадилар. Бундай усулни қўллайдиган ўқитувчида умумий педагогик ва коммуникатив маданият етишмайди. Демак, биринчи ва иккинчи йўналиш асосида мулоқотга киришиш – таълим ва тарбия жараёнининг самарали кечишига хизмат қиласди.

### **Бўлажак ўқитувчининг компетентлигини оширишда педагогик қобилиятлар муҳим аҳамият касб этади.**

**Қобилият** – шахснинг муайян фаолият турини муваффақиятли бажаришга бўлган лаёқат даражасини ифодалайдиган, турмуш жараённида ҳосил қилинган индивидуал ҳусусиятлари йиғиндисидир. Қобилияtnинг шаклланиши ва ривожланишида шахснинг туғма истъедод нишоналари, яшаш шароити, таълим-тарбия, айниқса, унинг фаоллиги муҳим аҳамиятга касб этади. Қобилият билим, қўникма ва малакаларга асосланади. Қобилияtnинг энг юқори даражаси талантдир.

**Педагогик қобилият** – қобилият турларидан бири бўлиб, ўқитувчининг соҳага оид лаёқатини, компетентлигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради.

Педагогик қобилияtlар мураккаб ва кўп киррали бўлиб, бир қатор тузилмалардан иборатдир. Булар, дидактик, академик, перцептив, ташкилотчилик ва бошқа қобилияtlар турига ажратилади.

**Дидактик қобилияtlар** – бу болаларга ўқув материалини аниқ ва равshan тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларга фанга қизиқиш уйғотиб уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилияtlар. Дидактик қобилияtга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материалини осонроқ, мураккаброғини соддароқ тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади.

**Академик қобилияtlар** – математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига ҳос қобилияtlардир. Қобилияtlли ўқитувчи ўз фанини фақат курс хажмидағина эмас, балки атрофлича кенг, чукур билиб бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузатиб бориб, ўқув материалини мутлақо эркин эгаллаб, тадқиқот ишларини олиб боради.

**Перцептив қобилияtlар** – психология кузатувчанлик, ўқувчи шахснинг ички дунёсиага кира билиш, уни тушуна билишидан иборат бўлган қобилияtdир. Қобилияtlли ўқитувчи унга катта бўлмаган ташки қўринишлар асосида ўқувчининг ички холатидаги жуда арзимаган ўзгаришларни ҳам фаҳмлаб олади. Ўқувчиларнинг кайфияти, уларнинг дарсга тайёргарлик даражасини аниқлай олади.

**Ташкилотчилик қобилияti** – ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, унда жамоани жипслаштира олиш ва ўз фаолиятини оқилона ташкил қила олиш қобилияti. Ушбу қобилияt орқали ўқувчилар жамоасини жипслаштириш, улар ишига раҳбарлик қилиш, муҳим вазифаларни бажаришда рухлантириш, таълим-тарбияни оқилона ташкил этиш назарда тутилади.

Ўқитувчи режа асосида таълим-тарбияни ташкил этиб, белгиланган вазифалар қай даражада бажарилганини назорат қилиши, вактдан унумли фойдаланиб, уни оқилона тақсимлай олиши, ўқувчилар томонидан билимларини ўзлаштирилиши мониторинг қилиши педагогик жараёнини самарали кечишига замин яратади.

Педагог вазиятдан келиб чиқиб, дарс давомида ортиқча вақт сарфлаш ҳолати содир бўлиши мумкин, аммо тажрибади ўқитувчи бундай холларда дарснинг режасини самарали ўзгартира олади.

**Коммуникативлик қобилияti** – ўқувчилар билан тўгри мулоқотни уюштириш педагог мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлаш, педагогик назокатга амал қилиш, теварак-атрофдагилар билан мулоқотга киришувчанлик, ширинсўҳанлик, тўгри муомила қила билиш, болалар қалбига йўл топиб, уларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нутқтан назардан жуда

самарали ўзаро муносабат ўрната билишдир. Педагогик назокат ва коммуникатив қобиляйтга эга бўлмаган ўқитувчи болалар қалбига йўл топиши ўта мушкуллар.

Ўқитувчи ўқувчиларга бирон-бир нарсани ўргата олиши учун улар билан мунасабга киришиши шарт.

Бўлажак ўқитувчининг таҳсил олувчилар қўнглига йўл топиши унинг мулоқотга киришувчанлигига боғлиқ. Шаҳснинг коммуникатив қобиляйтларини ҳосил қилувчи хусусиятлар орасида етакчи ва ёрдамчи вазифаларни ўтайдиганлари мавжуд. Биринчи навбатда перцептив, яъни идрок қилишга ҳамиша таъллуқли бўлган хусусиятлар (улардан энг муҳими кузатувчанликдир) етакчи ўрин эгаллайди. Ўқитувчининг коммуникатив қобиляти, унинг маҳоратли эканлигидан далолат беради.

Ўқитувчининг нутқи ўзининг мазмундорлиги, таъсирчанлиги, ўзига жалб этиш қувватини мужассам этганлиги, гўзал ва таъсирчан нутқ матнини туза билиш, тил бойликлари ва бадиий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланиши шарт.

Демак, бўлажак ўқитувчи ўз фаолиятини ташкил этишда тасодифий таасуротларга берилмасдан, ортиқча иккиланишларсиз, дадил харакат қилиши, қатъий қарорга кела олиши муҳим. Дадиллик билан бир каторда қаътийлик ҳам ишни муваффақиятли амалга оширишини таъминловчи муҳим сифатдир. Ўқитувчининг иродавий сифатларидан бири-ҳар қандай педагогик шароитда ўзини тута билишидир.

Бўлажак технологик таълим фани ўқитувчи компетенциясини ривожлантириш – ўқитувчини педагогик қобиляйтларининг нақадар кенг шаклланганлигига ўз аксини топади.

Ўқитувчи компетенцияси таълим-тарбия жараёнидаги зиддиятларни оқилона ҳал қилишга ундейди. Ақлий мулоҳаза зиддиятларни ҳал қилишнинг ягона йўли зиддиятга кириш эканлигини тақозо этса, бу жараёндаги ташаббускорликни ўз қўлингизга олишингиз лозим. Чунки зиддиятга онгли тарзда кириш орқали уни бошқариш мумкин.

## Иқтибослар / Сноски /References:

1. "Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар Стратегияси тўғрисида" 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947 – сонли фармони
2. Йўлдашев Ж.Ф, Усманова С.А, Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”. 2004й
3. С.С.Фуломов. Х.Р.Рахимов. ва бошқалар. “Таълим – тарбия сифати ва қирралари” .Т; “Фан ва технологиялар” 2004й
4. Жабборова Онахон Манноповна, Исмаилова Дилафуз Мухиддиновна. (2020.май). Optimization of primary education. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(5), 1229-1232.
5. Ў.М.Асқарова “Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар” Ўқув қўлланма. – Т . “Меҳнат”,2004й.
6. Б.Қодиров “ Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари”. – Т. “Мехнат”. 2001.
7. Тўлипов Ў. “Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўнімка ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари” – Т “Фан”. 2004 й
8. Жўраев Р.Ҳ Толипов Ў. “Педагогик фаолият,технологиялар ва маҳорат”. “Узлуксиз таълим” 2003 й
9. Д.А. Тхоржевский “Меҳнат таълими методикаси” – Т “Ўқитувчи” 1987й
10. А.Ғ.Турғунбоева “Психологические особенности формирования социальной перцепции у будущих педагогов” Тошкент-2020 г

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

### ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

### INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№6 (2021)

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000